



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (11.607)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг таъсисчиларидан бири саналади ва бошқа аъзо давлатлар каби ушбу Ташкилотнинг ривожланиш стратегиясини, аини пайтда унинг халқаро сиёсатнинг бошқа субъектлари билан алоқаларини белгилашда фаол иштирок этиб келмоқда.

БМТ ВА ШХТ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2009 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон ШХТга раислик қилмоқда. ШХТнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс равишда олиб борилган ишларнинг якунлари кўриладиган Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммити 2010 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

ШХТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини халқаро алоқаларни ривожлантириш орқали янада мустақамлаш – Ўзбекистоннинг ШХТда раислиги давридаги устувор вазифалардан бири саналади.

2009 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг БМТ ва ШХТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги қарорининг консенсус асосида қабул қилинишини Ўзбекистон ШХТда раислик қилган қисқа даврда эришилган бошқа ютуқлар қаторида санаб ўтиш мумкин. Ҳужжатни ишлаб чиқиш ишида ШХТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Россия, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон ҳамда Тожикистон билан бирга Покистон ҳамда Доминикан Республикаси ҳам иштирок этди.

БМТ янгиликлар марказининг хабар беришича, қарор БМТ ва ШХТ ўртасидаги алоқаларни янада тизимлироқ асосда йўлга қўйишга чақиради, томонлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада мустақамлашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишни илгари суради.

Қарорга мувофиқ, БМТ Бош қотибига БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, ташкилотлар, дастурлар ва жағғармаларнинг ШХТ билан уларнинг мақсадга эришишлариға йўналтирилган дастурларни биргаликда амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича ШХТ Бош қотиби билан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш тақдир этилади. Шу муносабат билан ушбу тузилмаларнинг раҳбарлариға БМТ Бош қотиби билан маслаҳатлашувларни бошлаш тавсия қилинади.

Таъкидлаш жоизки, 2004 йил декабрь ойидаёқ – БМТ Бош Ассамблеяси 59-сессиясининг ялпи маж-

лисида ШХТга Бош Ассамблея ҳузурдаги қузатувчи мақомини бериш тўғрисидаги қарор (А/RES/59/48) қабул қилинган. Ушбу муносабат билан Бош қотиб Ч. Дагуан раҳбарлигидаги ШХТ делегацияси илк бор 2005 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 60-сессиясида қатнашди.

2007 йилдан буён ШХТнинг барча тadbирларида БМТ бош қотибининг юқори мартабали вакиллари иштирок этиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг нуфузи ошиб бораётганига гувоҳ бўлиб келмоқда.


Ўтган давр мобайнида ШХТ БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), БМТ Тараққиёт дастури ва БМТнинг бошқа тузилмалари билан алоқаларни йўлга қўйди ва ҳамкорликни кенгайтирди. Ҳозирги даврда ЭСКАДО ва ШХТ Осиё тараққиёт банки кўмагида ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги халқаро автомобиль юк ташуви бўйича қулай шартот яратиш битими лойиҳасини тайёрлаш жараёнида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

2008 йил январь ойида ШХТ ва ЭСКАТО қотибиятлари ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аниқ шакли ва соҳалари, жумладан, биргаликдаги фаолият олиб боришни таҳлил қилиш ва ўзаро манфаатли бўлган алоқаларнинг келгуси йўналишларини муҳокама этиш мақсадида экспертларнинг маслаҳатлашувларини ўтказиш масалалари кўзда тутилган.

БМТ ва ШХТ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ҳар иккала ташкилотнинг улкан салоҳиятини биргаликдаги фаолиятга жалб этиб, ҳамкорликнинг глобал тармоғини кенгайтиради. ШХТга аъзо ва қузатувчи ҳамда бошқа манфаатдор давлатлар, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар, биринчи галда БМТ ва унинг афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлари билан ҳамкорлик бу борадаги асосий йўналишлардан бири бўлиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ташаббус – 2010»

РАҒБАТ МУВАФФАҚИЯТГА ЧОРЛАЙДИ


Рағбат бор жойда, албатта муваффақият бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови тadbиркор, хунарманд ҳамда фермерларни ана шундай рағбатга сазовор қилмоқдаки, бу уларнинг келгуси изланиш ва ютуқларида муҳим омил бўлаётир.

Кунни кеча Темирйўлчилар маданият саройида «Ташаббус – 2010» кўрик-танловининг Миробод тумани босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тadbирда тadbиркор ва хунармандлар учун ўзларини намойиш этиш, режаларини ўртолқаш имконияти яратилди. Шу боис ҳам танлов шартига кўра ташкил этилган кўргазмадан ҳар бир иштирокчи фаолиятининг исботи бўлган маҳсулотлар ўрин олди. Энг муҳими бундай маҳсулотларнинг импорт ўрнини босиши, харидор талаби даражасида рақобатбардошлиги, хунармандчилик буюмларининг эса ҳақиқий санъат намунаси сифатида бетакорлигини намойиш этганлигидир.

Кўргазма намойиши билан таннар эканимиз, мамлакатимизда тadbиркорлар яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётганига, ишончини оқлашга интиляётганига яна бир бор амин бўлдик. Жумладан, «TOSOL-N» масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган антифриз четдан келтириладиган товар ўрнини босиб, сифати ва бирмунча арзонлиги билан транспортчиларга кўл келмоқда. «PURE STREAM» корхонасининг сузиш ҳавзалари ва фавворалар учун мўлжалланган сувни тозалаш жиҳозлари, насос ва фильтрлари, «SHAFFOF SERVIS»нинг соғлиққа фойдали ичимлик сувлари тadbиркорларнинг тинимсиз изланишларидан далолатдир.

Зардўз Фароғат Эргашева, миниатюра устаси Камолитдин Абдуллаев, ёғоч ўймаkori Шерзод Ҳакимов ва бошқа хунари гўзалларнинг маҳоратларидан ўзига заъв олмас.

— Бозорни ўрганиш асосида иш юритаётганимиз нафақат маҳсулот турларини кўпайтири-



да, балки ишлаб чиқариш ҳажминини йил сайин ошириб, аҳолини иш билан таъминлашда кўл келмоқда, — дейди «CENTRAL ASIAN CONSTRUCTION» масъулияти чекланган жамияти директори Дилшод Холмуродов. — Илк фаолиятимизни 2005 йилда беш нафар ишчи билан бошлаган бўлсак, бугун уларнинг сафи билан транспортчиларга кўл келмоқда. «PURE STREAM» корхонасининг сузиш ҳавзалари ва фавворалар учун мўлжалланган сувни тозалаш жиҳозлари, насос ва фильтрлари, «SHAFFOF SERVIS»нинг соғлиққа фойдали ичимлик сувлари тadbиркорларнинг тинимсиз изланишларидан далолатдир.

Кўрик-танловда ҳар бир иштирокчи ҳолис баҳо олди. «Энг яхши тadbиркор» номига «TOSOL-N» масъулияти чекланган жамияти директори Нурид-

дин Сайдвалиев, «Энг яхши хунарманд» номига эса зардўз Фароғат Эргашева муносиб топилди, 1-ўрин фольблари сифатида шаҳар босқичида иштирок этишди. Тadbиркорлик йўналиши бўйича «CENTRAL ASIAN CONSTRUCTION» масъулияти чекланган жамияти директори Дилшод Холмуродов 2-ўринга, «PURE-STREAM» масъулияти чекланган жамияти директори Светлана Бутенко 3-ўринга лойиқ топилди. Миниатюрачи-рассом Камолитдин Абдуллаев иккинчи ва ёғоч ўймаkori Шерзод Ҳакимов учинчи ўринни эгаллашди. Энг асосийси эса уларнинг изланиб имкон топаётганлиги, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўшаётганлигидир.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: «Ташаббус – 2010» кўрик-танлови Миробод тумани босқичидан лавҳалар

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида бир йўла иккита «Курилиш» 11-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси ҳамда «Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн» 7-халқаро «MebelExpo Uzbekistan-2010» ихтисослашган кўргазмаси иш бошлади.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Global Gold Chain Alliance» халқаро уюшмаси кўмагида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ўзбекистон бизнес форуми», АҚШ халқаро агентлигининг «AgLinks» лойиҳалари доирасида «Тadbиркорлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини совутилган ҳолда сақлашнинг замонавий масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Навоий вилоятида «Ташаббус – 2010» кўрик-танловининг шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Танловнинг Навоий шаҳар босқичида 20 га яқин тadbиркорлик субъекти, 15 нафар хунарманд иштирок этди.

● Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида 15-18 ёшдаги қизлар ўртасида стол тенниси бўйича «Камолот» маликаси мусобақаларининг финал босқичи якунланди.

● Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманида туман марказининг олти та тезкор шифокорлар бригадаси туғиш ёшидаги аёлларни текширувдан ўтказмоқда. Терапевтлар, гинекологлар, невропатологлар ва бошқа мутахассислар ҳар кунни Шарғун шаҳрининг иккита касалхонаси ҳамда Сангардақ, Хуфар, Чашма, Дарагистон қишлоқ врачлик пунктларида юзлаб миҳозларни қабул қилмоқда. Кўрик натижасига кўра аёлларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

● Наманган шаҳрида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёш ҳаваскор фотосуратчилар республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўргазмада намойиш этилган фотосуратларда ёшликнинг бахтиёр лаҳзалари, озода ва обод юрт манзаралари, ёш авлодга яратилаётган шарт-шароитлар ва уларнинг турли соҳаларда эришяётган ютуқлари ўз аксини топди.

● Хоразмдаги «Боготтексервис» хусусий корхонасида тўқимачилик саноатида ишлатиладиган қоғоз конуслар тайёрлаш йўлга қўйилди. Банк кредити ҳисобига ташкил этилган ушбу корхонада ойига ўртача 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Гаити президенти Рене Приваль 12 январдаги катта вайронагарчиликлар келтирган зилзиладан жабрланган унинг мамлакатаи бундан буён четдан озик-овқат ва сув маҳсулотлари келтирилишига муҳтож эмаслигини маълум қилди. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, мазкур маҳсулотларнинг хориждан келтирилиши ички бозорнинг ривожланишига имкон бермайди ва янги иш ўринларининг яратилишига тўсиқ бўлади.

● Иордания қироли Абдалла II Москвада Яқин Шарқ бўйича конференция чақариш истиқболларини муҳокама қилади.

● Туркиянинг шарқий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 6 баллик кучли зилзила содир бўлди. Табиий офат оқибатида 50 дан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқин киши тан жароҳатлари олди. Зилзила марказидаги олти та қишлоқ вайронага айланди. Ҳозирда қидирув-қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.

● Буюк Британияда давлат тасарруфидаги корхоналарда фаолият кўрсатаётган хизматчилар икки кунлик иш ташлашди. Норозилик чиқишларида 270 минг киши қатнашаётган бўлиб, улар ишдан бўшатишга тўланаётган компенсация тизимиға ўзгартиш киритишни талаб қилмоқдалар.

● Лос-Анжелесда 2009 йилнинг энг яхши фильмлари, режиссёр ва актёрларига АҚШ киноакадемиясининг «Оскар» мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу гал режиссёр Катрин Бегилонинг «Довуллар ҳукмдори» кинотасмаси бош мукофотни кўлга киритди. Оскар мукофотларини топшириш маросимини 41,3 миллион телетомошабин бевосита «ойнаи жаҳон» орқали томоша қилди. Бу сўнги беш йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир.

● АҚШ яқин фурсат ичида Польша худудига «Патриот» русумидаги ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизими ўрнатилишини маълум қилди.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясида тadbиркорлик иштирокида ўтказилган тadbирда инновацион технологияларни фанга жорий этишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

✓ **МИРЗО** Улугбек туманидаги 50-мактабда Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўқувчиларнинг пухта билимиға аға бўлишини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театри ижодкорлари ўз ихлосмандларни эътиборига янги сахналаштирилган «Сайёра» спектаклини ҳавола этишди.

✓ **1-РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежи спорт мажмуасида волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари уюштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН БЕЛЬГИЯ САЙЁХЛИК ЯРМАРКАСИДА

Бельгиянинг Веммель шаҳрида «Belasia» уюшмаси томонидан ташкил этилган «Asia Fair—2010» халқаро сайёхлик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда дунёнинг 70 дан зиёд туристик компаниялари ва маҳаллий сайёхлик идоралари қаторида Ўзбекистондан ҳам сайёхлик агентликлари иштирок этди.

«Belasia» уюшмаси 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси Осиё мамлакатлари ва халқлари билан ижтимоий, маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатишга қўмаклашишдан иборат. Ярмарканинг ҳар йили ўтказилиши ҳам уюшма фаолиятининг бир қисми саналади.

Ярмарка саёҳат қилиш иштиёқмандларида катта қизиқиш уйғотди. Унда Ўзбекистон Республикасининг туристик имкониятлари ҳақида маълумотномалар, фотосуратлар ҳамда мамлакат бўйлаб турли сайёхлик йўналишлари ҳақида ахборотлар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон сайёхлик имкониятлари мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси стенди билан бирга «Thomas Cook», «Joker», «VNC», «Escape», «Jettier» сингари туристик компаниялар стендларида ҳам намойиш этилди.

Ярмаркада бутун дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига қарамай, Ўзбекистон ўз сайёхлик соҳасидаги оммабоплигини тобора ошириб бораётгани таъкидланди.

Хусусан, Европадаги энг йирик компаниялардан бири бўлган «Thomas Cook»нинг менежери В.Соен «Қитъадаги қўшни давлатлар тажрибаси Ўзбекистонга боришни истовчиларнинг, жумладан бельгиялик сайёхларнинг кўпчилиги кўрсатди, шунинг учун ҳам «Thomas Cook» кўп миқдорда аризалар қабул қилишни режалаштирмоқда», дея қайд этди.

Нидерландлар Кириллигидан келган «VNC» компанияси менежери М.Хелиннинг фикрича, Нидерландия ва Бельгиядан Ўзбекистонга боришни истовчи сайёхлар сони муттасил ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, «VNC» компанияси ҳам европалик туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш борасида фаол саъй-ҳаракат юритмоқда.

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда сайёхлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича эришилган муваффақиятлар, хизмат кўрсатиш даражасининг ортгани, туристларга тушунтиришлар берувчи маҳаллий мутахассислар малакаси юқори экани яққол кўзга ташланади, — дейди у. Жумладан, — Ушбу масалаларда Ўзбекистонда барча ишлар худди Европадагидек йўлга қўйилган. Бу эса мамлакат сайёхлик соҳасининг янада ривож топишида муҳим аҳамиятга эга.

«Жаҳон» АА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширила бошлади.

Ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш учун суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Зеро, жамиятимизнинг бош мақсади Конституция ва қонунларимизда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, айрим ҳолларда уларни жиноий таъжовузлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига аниқ белгиланган. Кодекс жавобгарлик асослари ва принципларини, қандай ижтимоий ҳавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди. Ҳуқуқ назариясидан маълумки, ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ўз олдида қўйган вазифаларни ўзига хос функциялар орқали амалга оширади.

Жиноят ҳуқуқи бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Буларнинг энг муҳими — жиноятчиликнинг олдини олишдир. Ушбу вазифа, ўз навбатида, иккига бўлинади — умумий ва махсус. Жиноятчиликнинг умумий олдини олиш вазифаси жиноят қонунининг бекарор одамларни турли жиноятлар содир этишдан ушлаб

турувчи, таъқиқловчи функцияси, шунингдек жиноят содир этган шахслар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини белгилаш орқали амалга оширилади. Жиноятчиликнинг махсус олдини олиш вазифаси эса жиноят

ган ислоҳотлар натижасида ижобий ўзгаришлар, силжишлар юз бера бошлади. Бу эса жамият ва давлат қурилишида тоталитар тузумдан қолган асоратлар, арзиманган жиноий қилмиш учун қаттиқ жазолаш каби нотўғри амалиётга чек қўйиш заруратини юзага келтирди.

XXI аср буюк кашфиётлар асри. Аммо, афсуски, ҳозирги замонда нафақат турли ижобий воқеа ва ҳодисалар, балки жиноятчилик каби салбий воқеликнинг янги кўриниши ва шакллари, илгарини номалум бўлган йўллари вуҷудга кела бошлади. Айна жиноятчиликка қарши кураш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини гайриқонуний таъжовузлардан

Ислоҳотлар оқимида

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

ҳуқуқий таъқиқлашларни бузиб, жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Жиноят ҳуқуқи тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради. Жиноят қонунининг мавжудлиги, унинг амалда қўлланилиши фуқароларга қонуний ҳурмат қилиш, ўз шахси, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинганлигига ҳамда жиноят содир қилган шахсларнинг муқаррар равишда жазоланишига ишонч руҳида тарбиялашдан ҳам иборатдир.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати орқали амалга оширилади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги сиёсати жиноий жазоларни либераллаштириш билан ҳамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда «охирги» ўн йил мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабхаларда амалга оширил-

ҳимоя қилиш — бу жиноят ҳуқуқининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Биз ўрғаниб таҳлил этаётган мазкур мавзунинг яна бир ўзига хослиги шундаки, мамлакатимизда бугунги кунда жаҳон ҳам-жамияти билан чуқур иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий алоқалар ўрнатилган ва халқаро мезонларга мос янги ҳуқуқий институтлар кириб келаётир.

Мазкур алоқалар бугунги кунга келиб энг муҳим ҳуқуқ соҳаларидан бўлмиш жиноят ҳуқуқига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Айни дамда жиноят ҳуқуқига сўнгги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари туфайли бир қатор ўзгаришлар кириб келди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси инсонпарварлик тамойили асосида чинакам демократик давлатга хос бўлган либералликка, эркинлаштиришга ин-

тирдик. **Нодирбек САЛАЕВ, Отабек МАҲКАМОВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари**

ЭЪТИБОР ВА ҲАМҲЎРЛИК САМАРАСИ

«Redisson-SAS» меҳмонхона мажмуасида имконияти чекланган аёллар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма-савдоси ташкил этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу кўргазмада «Зухра Зиё», «Миллениум», «Опа-сингиллар», «Истиқбол» клуби аъзолари иштирок этди.

Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, шунингдек, етакчилик қобилиятини шакллантириш, тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришдан иборат.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури томонидан 2010-2015 йилга мўлжалланган янги ҳаракат дастури қабул қилинди. Мазкур ҳужжат доирасида БМТ Ўзбекистон ҳуқуқати билан хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда.

Кўргазмада аёллар ўзлари учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан мамнунлигини қайд этишди. «Туркистон-пресс»



Муҳташам бино ва фавворалар шаҳримиз кўрки

Архивда 500 га яқин турли корхона ва ташкилотларнинг шахсий таркиб ҳужжатлари мавжуд. Шу билан бирга мамлакатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган фан арбобларининг шахсий ҳужжатлари ҳам сақланади.

2009 йилда ижтимоий-ҳуқуқий сўровномалар (нафақа ёшига етганлар учун иш стажини тасдиқловчи, ойлик иш ҳақи кўрсатилган, қолаверса ишга кирганлиги ва ишдан бўшаганлиги) бўйича 2,5 мингдан ортиқ маълумотнома берилди. Шулардан 2055 таси фуқаролар томонидан тушган, 105 таси Россия шаҳридан келган хатлар, қолгани интерактив маълумотномалардир.

Ҳужжатлар билан ишлаш қанчалик мушкул бўлмасин, архивнинг жонқуяр хо-

Архивлар фаолиятдан

АЖРАЛМАС БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбекистон илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, унда бугунги кунга қадар 250 мингга яқин йиғма жилдда 1925 йилдан буён тўпланган ҳужжатлар сақланади. Улар орасида нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё бўйича илм-фан, техника, саноат, транспорт, алоқа, конструкторлик, ирригация, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, шунингдек илмий-лойиҳавий ва тиббиёт соҳаларига тааллуқли маълумот ва ҳужжатлар мавжуд.

димлари мурожаат қилувчиларга яқиндан қўмақ бериб келмоқда. Нафақахўрлар бу ердаги хушмуомала ходимлардан миннатдорлар.

— Мен нафақа ёшига етганимда, ижтимоий таъминот хизмати ходимлари илгари ишлаган жойлардан

иш стажимни тасдиқловчи маълумотнома олиб келишимни сўради, — дейди Амиржон Исҳоқов. — Бир неча архивларга бориб, охири илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивига мурожаат қилдим. Мен илгари ишлаган Тошкент кон-

дитерлик комбинатининг 1965-1966 йилларнинг шахсий таркиб ҳужжатлари шу архивда сақланар экан. Архивга келиб, бу ердаги ширин сўз ходимларнинг менга кўрсатган ёрдамларидан мамнун бўлдим.

Бугунги кунда архив

ишини янада ривожлантириш ва уни халқаро даражага кўтариш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 1999 йилда «Архивлар тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу эса мамлакатимизда архив ишини янада юқори поғоналарга кўтариш, келгусида давлат архиви хизматини аъло даражада ташкил этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Азиза ТОШМУҲАМЕДОВА, Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви катта илмий ходими.

БМТ ВА ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ШҲТга аъзо давлатларнинг қарий барча декларацияларида халқаро ҳавфсизликни қўллаб-қувватлашда БМТнинг муҳим ўрни тутиши таъкидланади ва у билан ҳамкорликни кучайтириш масаласи ўз аксини топган.

Ўзбекистон террористик ҳавф-хатарга халқаро миқёсда қарши курашишни ташкил этишда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчилик ўрнини мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканини бир неча бор эълон қилди. Шунинг учун ҳам БМТ ва ШҲТ ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири халқаро терроризмга, радикализмга, таъжовузор экстремизм ва сепаратизмга, наркотрафика ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлиши мумкин. Ушбу йўналишда ШҲТда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда аъзо давлатлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш органлари ва махсус хизматлари амалий ҳамкорлигининг таъсирчан воситаси бўлган ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) муҳим ўрни тутди. Қайд этиш лозимки, ушбу тузилма 2004 йилда Ўзбекистон ШҲТга раислик қилган даврда ташкил этилган бўлиб, унинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон Ҳавфсизлик Кенгашидаги аксилтеррор қўмита каби БМТнинг ихтисослашган бўлинмалари ва тузилмалари билан хусусан халқаро терроризмнинг янги аъзолари, террористик ташкилотларнинг шакллари ва фаолият усуллари ҳамда терроризмга қарши БМТ билан биргаликда халқаро миқёсда қабул қилинадиган чора-тадбирлар ҳақида ахборотлар алмашиш МАТТнинг амалий алоқалари янада мустаҳкамлашни тарафдоридир.

БМТ билан ШҲТ ўртасидаги шерикликнинг улкан салоҳияти гуманитар ҳамкорликда кўзга ташланади. Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига қарши курашишда тажриба алмашиш ва мувофиқлаштириш борасида муҳим ўрни тутди.

БМТ ва унинг тизимига кирувчи бошқа ташкилотларнинг ШҲТ билан ҳамкорлигини кенгайтириш БМТнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар хусусиятга эга бўлган халқаро муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги мақсад ва вазифаларини амалга оширишига хизмат қилади.

БМТ ва ШҲТ ҳамкорлиги ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиёт каби устувор йўналишларда ҳамда ўзаро манфаатли бўлган бошқа соҳаларда ривожланиши керак. БМТнинг улкан тажрибаси ва ШҲТ салоҳиятининг самарали тарзда уйғунлиги ушбу ташкилотларнинг институционал тақомиллашувига янги чизилган берида, минтақавий ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақа давлатларининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

ЯНГИ ТОЗАЛАШ ВОСИТАСИ

Юртимизда хорижий сармоядорларга яратилган қулай муҳит туфайли ҳамкорликдаги корхоналар сони ортиб бормоқда.

2008 йилдан иш бошлаган «GOLPEN STAR OF ASIA CO» корхонасининг маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки Ҳамдўстлик давлатларида ҳам хари-доргир бўлаётир.

Бу борада малакали мутахассисларнинг изланишлари яхши самара бермоқда. Бугунги кунда корхонада 50 турдан зиёд шампуни, совун, гел, турли суюқ воситалар, ПАВ елимлари тайёрланмоқда. Бу борада малакали ишчилар замонавий технологик дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланишмоқда.

Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ маҳсулотлар рақобатбардорлиги ошиб, буюртмалар ҳам ортишига туртки бўлмоқда. Ҳозирда мазкур корхона республика миқёсида 200 тадан зиёд корхона ва компаниялар билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузган.

Айни кунларда эса кўкунли тозалаш воситасини ишлаб чиқариш устида кизгин иш олиб борилмоқда.

ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Харидорлар сафи кенгайишида аввало тадбиркорлик билан иш юритиш, мижозлар хоҳиш-истагига кўра эҳтиёжни ўрғаниш муҳим ўрин тутти, шубҳасиз.

2007 йилдан фаолият кўрсатаётган «Истиқбол пойабзал-савдо» корхонасида «Ami» савдо белгиси билан эркаклар ва болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада Хитойдан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган. Маҳаллий табиий теридан тайёрланаётган пойабзал кўркам, қулай, пишиқ бўлиши билан бирга, импорт ўрнини бемалол боса олади.

Шу ўринда корхона дизайнчилари меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқлигини таъкидлаш ўринли. Замон билан ҳамнафас мутахассислар ҳар бир модель устида изланиб, айниқса мавсумбоп, иқлимимизга мос пойабзал яратишга интилишади.

Янги моделлар асосида ойда ўрта ҳисобда мавсумбоп мин жупт оёқ кийим савдо расталарига етказиб берилмоқда. Яқин келажақта корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги замонавий технологик линияларни ўрнатиш асосида сифат ва самарадорликни янада ошириш мақсад қилинган. Бу борада янги иш ўринларини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси фаолияти билан қизиқиб, ушбу маскандаги ўзгаришлар, янгиланишлар, аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш йўлида бажарилаётган ишлар билан танидик.

— Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида кўп ижобий натижаларга эришилди. Шунинг ҳам эътирофи эди керакки, бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланган, — дейди шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори Саидзим Агзамжўраев. — Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 21 майдаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижросидан келиб чиққан ҳолда тез тиббий ёрдам станциясига қўшимча тарзда 15 та «Дамас» ва Жанубий Корёда ишлаб чиқарилган 13 та «Хундай» русумли махсус автомобиллар ажратилди.

Бугунги кунда 138 та тез тиббий ёрдам автомобиласи аҳолига тезкор хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳар бири рация ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тиббиёт ходими йўлга чиққанда, қўшимча чақирувларни қабул қилиш ва

айтилган манзил бўйича шошилиш ёрдам кўрсатиш имкониятига эга.

Шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси



ясининг 12 та бўлими пойтахт ва туманлар кесимида фаолият олиб боради. Фурсат келганда, уларнинг телефон рақамларини ҳам келтириб ўтамиз.

Шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси — 03; 236-73-60, 236-73-32

Бектемир тумани бўлими — 295-10-03.

Мамлакатимизда тиббиётни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, тиббий хизматни замонавий тарзда яратиш ишлари изчил йўлга қўйилмоқда. Бу борада, шубҳасиз, тез тиббий ёрдам хизмати алоҳида ўрин тутади.

ТЕЗ ТИББИЙ ХИЗМАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Мирзо Улуғбек тумани бўлими — 266-44-27, 266-44-28

Миробод тумани бўлими — 290-70-01, 290-70-03

Сергели тумани бўлими — 258-36-85, 258-70-26

Собир Раҳимов тумани бўлими — 248-37-29, 248-46-77

Шайхонтоҳур тумани бўлими — 243-26-68, 243-07-34

Учтепа тумани бўлими — 275-46-99, 275-48-99

Ҳамза тумани бўлими — 297-77-79, 297-64-24

Чилонзор тумани бўлими — 216-73-88, 216-73-89

Юнусобод тумани бўлими — 212-43-63, 212-45-11, 234-80-54, 236-72-82

Яккасарой тумани бўлими — 255-85-54, 255-06-58.

Бугунги кунда шахримиз бўйича 138 та тез тиббий ёрдам чақирик бригадаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётир.

Бир кеча-кундузда икки мингга яқин чақирув қабул қилинади. Марказий нозимхонада 20 нафар мутахассис туну кун аҳолининг телефон орқали мурожаатларини туман бўлимларига узатиб боради. «03»га бўлган кўнғироқ компьютерда акс эттирилади. Жойлардаги нозимхоналарда радиоалоқа ҳам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, 11-бўлимда учта реанимация, битта неврологик касалликларга хизмат кўрсатадиган бригадалар фаолият олиб бормоқда. Тез тиббий ёрдам станциясида 1180 та малакали тиббиёт ходими ишлайди, шулардан 500 нафари олий ва биринчи тоифали шифокорлар, деярли 600 нафари олий, биринчи ва иккинчи тоифали ўрта тиббиёт ходимларидир.

Эслатиб ўтиш ўринлики, тез тиббий ёрдам хизмати пойтахтимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларига тезкор ва бегараз ёрдам кўрсатади.

Дилором ИКРОМОВА

Маънавият

ИНСОН МАНФААТЛАРИ— ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, зарарли таъсирлардан сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими томонидан жойларда ўтказилаётган турли мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Тошкент Молия институти бюджет ҳисоби ва газначилик факультетида бўлиб ўтди. Ақлия бошқармаси, институт хотин-қизлар бошланғич ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси, ФХДЁ туман бўлимлари ҳамкорлигида «Баркамол авлод — келажакимиз пойдевори» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда маҳалла фаоллари, олий таълим муассасаси вакиллари, талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар «Инсон манфаати — олий қадрият», «Саломатлик — энг олий неъмат» «Ахлоқ-одоб илмининг бош мезони», «Кийиниш ва муомала маданияти» сингари мавзуларда ўзаро фикр алмашдилар. Ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталинди.

Ўқитувчи ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар. Тадбир якунида «Алданганлар» ҳужжатли фильми намойиш этилди, Ақлия бошқармаси томонидан мавзуга оид эслатма материаллар тарқатилди.

КЕРАКЛИ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ

Ўртимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, билимли, она Ватанга садоқатли чин ватанпарвар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Лекин бугунги кунда ёшлар орасида кам бўлса-да зарарли иллатлар, турли хил касалликларнинг учраётгани ачинарли ҳолдир.

Ёшларни бундай иллатларнинг оқибатларидан огоҳ этиш, онгига соғлом турмуш тарзига амал қилиш зарурлигини сингдириш барчамизнинг бурчимиздир. Бу борада «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам ёшлар ўрғатишда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик, гиёвандлик иллатларидан ҳимоя қилиш каби вазифалар алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирги кунда аср вабосига айланган ОИТС (СПИД) касаллиги кўпчиликини ўйлантираётган муаммолардан биридир. Аввало ОИТС ўзи нима, у қандай юқади, унинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш зарур? қабилидаги саволларнинг туғилиши табиий. Яқинда Тошкент Давлат техника университетининг ёшлар орасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва унинг профилактикаси бўйича билимларини ошириш мақсадида «Ўзингни ўзинг асра» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. 240 талаба-ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда касалликнинг юқиш йўллари ва оғир оқибатлари ҳақида республика ОИТСга қарши кураш маркази шифокорлари Ж.Усмонова ва С.Ҳошимова сўзга чиқиб, талабаларга батафсил маълумотлар ва керакли маслаҳатларни бердилар.

— Баркамол авлод йилида мана шундай тадбирларни кўплаб ташкил этишни режалаштирганмиз, — дейди Тошкент Давлат техника университетининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Қарамон Шоназаров. — Мақсад ёшларимизни турли хил зарарли иллатлардан, оғир касалликлардан сақлаш, уларга ОИТС ҳақида тушуна бериш, соғлом турмуш тарзига риоя қилишни ўргатишдан иборатдир. Эеро, соғлом авлод соғлом жамият пойдеворидир. Ўйлайманки, бу каби тадбирлар авлодни ҳар томонлама соғлом, маънан етук этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Гулором ҲАМИДОВА

ТИЖОРАТ ҲАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон» халқаро тантаналар саройи биноси ва атрофдаги ҳудудидан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган дирекция» давлат муассасаси қуйидаги лавозимлар бўйича мутахассис ва ишчиларни

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- Назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматика бўйича муҳандис;
- Совутгич ускуналари ва ҳавони кондиционлаштириш бўйича мутахассис;
- Бўёқчи;
- Дурадгор;
- Ҳовлибон-ишчи;
- Фаррош.

Шундай инсонлар бўладики, улар билан суҳбатлашсанг, қалбингга нур инаётганини, руҳинг енгил тортиб, ҳаётга бошқача назар билан қараётганини пайқаб қоласан. Суҳбатдошим ана шундай кишилар тоифасидан.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Саидқаром Ҳасанов кўп йиллардан буён Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтининг кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари кафедрасини бошқариб келади.

— Умр инсонга бир марта берилади, — дейди Саидқаром ака, — демак, уни қадрлаш керак. Умр лаҳзалар йиғиндиси. Ҳар бир лаҳзанинг ўтиши бу умр қисқариши демак. Вақт одам измида эмас, лекин бизга уни қандай ўтказиш имкони берилган. Ҳазрат Бурхониддин Марғиноний «Шерикларим устидан менинг илмда галаба қилишимнинг сабаби ҳеч қачон суस्तакшликни ўзимга яқинлаштирмаганимдир», деган эканлар. Одам тирик экан, унда ҳамиша имкон бор. Ҳаракат қилса нимагадир эришади.

Саидқаром Ҳасанов мактабни тугатиб, институтга кирди. Оқил устозларнинг қўлида таҳсил олар экан, омад калити фақат меҳнатда, изланишда эканлигини теран англаб этди. Билим олишга интилиш аввало оила муҳитида қарор топиши, шаклланиши маълум. Ота-она саккиз фарзанднинг келажакда етук ва билимли инсонлар бўлиб етишишлари учун астойдил ҳаракат қилишди. Бугунги кунда бу оила фарзандлари ва набираларидан ўттиздан ортиги тиббиёт ходими, жумладан, саккиз нафари фан доктори ва фан номзодидир.

Республикамизда илгари болалар учун алоҳида кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари клиникаси бўлмаган. Кейинчалик Тошкент Давлат педиатрия-тиббиёт институти қошида ана шундай касаллик-

ларни даволашга ихтисослашган олтимиз ўринли шифохона очилди. Бу ишга профессор Вали Маждов бошчилиги қилган. Саидқаром ака биринчилардан бўлиб ангина ювиш услубини қўллашни бошлади ва кўплаб шаҳар ва қишлоқлардан наҳот излаб келган беморлар дардига малҳам бўлди.

Заҳматқаш олим 1969 йилда ўткир ва сурункали тонзиллит касалликларининг қалқонсимон без фаолиятига таъсири мавзусида илмий иш ёқлаб, фан номзоди, 1984 йилда қандли диабет билан оғри-

етган Саидқаром Ҳасанов шифокор аввало беморни ўз қалбига яқин олиши, унга меҳр қўя билиши керак. У шогирдлари ва талабаларга ҳар бир даволаш услуби олдида не-не уйқусиз туналар, чуқур билим ва тажриба, бемор ҳаётига маъсуллик туйғуси, катта фидойилик ётади, деб уқтиради.

Инсон умрини дароҳта менгашади. Дарахт яхши ҳосил бериб, илдизи бақувват бўлса, одамлар мевасидан баҳраманд бўладилар. Инсон ҳам ана шундай. Агар у ўз заминига чуқур илдиш отган, юрак ришталари юртдошлари қалби билан туташиб кетган бўлса, ундан элга ҳам, юртга ҳам наф етади.

Устозлар изидан бориб, етук шифокор сифатида тиббиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган олим кўплаб шогирдлар тайёрлади, ўн нафар фан номзоди, тўрт нафар фан докторига раҳбарлик қилди. Юзлаб илмий мақола, қўлланма ва монографиялар муаллифи, кўплаб ёшларнинг меҳрибон устози бўлиши бу инсон ҳамиша изланишда.

Илмда «Ҳасанов симптоматикаси» тан олинган. Агар болада бурун ўрта тўсиги қийшайса, у ўз вақтида даволанмаса, унинг асоратида оғиз бўшлиғида бешта салбий ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги исботлаб берилди. Олим ўткир тонзиллит (ангина)ни принципал янги даволаш усулини яратди, шунингдек, бурун ёндош бўшлиқларидаги яллиғланишлар (гайморит, фронтит, сфеноидит)ни жарроҳлик йўли билан эмас, балки ингичка зонд ёрдамида йирингни чиқариб даволаш услубини ҳам тиббиётимизда қўллади.

Саидқаром Ҳасанов қўлидан шифо топган, меҳридан баҳраманд бўлган болалардан бир умр заҳматқаш шифокорнинг меҳрли қўёқасини ёдда сақлаб қолиши ва улардек пок ниятли инсон бўлиш учун интилишига шубҳа йўқ.

Гулюз МИРМУХСИН қизи

МЕҲРИДАРЁ ШИФОКОР



ган беморларнинг эшитиш аъзоларидаги ўзгаришлар юзасидан докторлик ишини ҳимоя қилди. Саидқаром Ҳасанов қон олмасдан, кулоқни текшириш орқали қандли диабет касалини аниқлаш усулини биринчилардан бўлиб қўллаган заҳматқаш олимларимиздан биридир. Шифокорлик, айниқса жарроҳлик ўта машаққатли касб. Буни узок йиллик тажрибасидан яхши англаб

Миннатдорлик

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Ҳеч бир инсон дард чекиб, жони оғримасин. Саломатлик нақадар бебаҳо бойлигимиз эканлигини барчамиз яхши англамоғимиз зарур.

Яқинда ўғлим Элёрбек дардга чалиниб, саломатлиги ёмонлашиб қолди. Туни билан бошидаги оғриқ азобидан қийналиб ороми бузилди. Гўё кулоқ, кўз, бурун атрофини нимадир қоплагану нафас олишга ҳам имкон бермасди. Ўғлимнинг бу ҳолатини кўриб, қаттиқ ташвишга тушдим. Дард азобини дард чеккан билади, деган гап бежиз айтилмаган. Қани энди бу оғриқларнинг сабабини билсаму боламга малҳам топа олсам, дейман.

Оғриқ кучая бошлади. Кейин «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилдим. Келган шифокор оғриқни қолдирадиган муолажа қилди. Қани оғриқ тўхтаса. Тонг отгунча шу аҳволда ўтирдик. Эрталаб зудлик билан ўғлимни Тошкент Тиббиёт академия-

сига олиб бордим. Шифохонанинг қабул бўлимидаёқ ўғлимни текшириб кўришгач, ўткир йирингли гайморит ташҳисини қўйиб, тез ёрдам кўрсатишди.

Тошкент Тиббиёт академияси лор бўлими шифокорлари Юсуф Тошпўлатов ва Фароғат Юсупова, ҳамширалар Жамила Аҳмедова, Гулчехра Қайумова ва Дилфуза Аҳметоваларнинг жонқуярлиги, сазой-ҳаракати билан ўғлимнинг саломатлиги яшилди. Биз ширинсухан, қўли енгил, меҳрибон ва очикқўнғил бу инсонлардан беҳад миннатдоримиз. Туну кун эл хизматида камарбаста бўлаётган саломатлигимиз посбонларига «қўлингиз дард кўрмасин» деб қоламиз.

Санобар ҲАКИМОВА, Юнусобод тумани

Организмнинг репродуктив имкониятлари инсон саломатлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бўлажак оналар ҳисобланган қизларимиз саломатлигини гўдақлигиданоқ муҳофаза қилиш зарур.

Соғлом она — соғлом бола

ҚИЗЛАРИМИЗНИ ГЎЗАЛЛИК ТАРК ЭТМАСИН

Айтиш жоизки, қизларда жисмоний мослашув имкониятлари бирмунча чегараланган. Сўнги маълумотларга кўра, мактабни тугатиш вақтига келиб, қиз болаларнинг 75 фоизи, ўғил болаларнинг 35,3 фоизиди турли хил сурункали касалликлар мавжудлиги, соғлом қизларнинг ўғил болаларга нисбатан беш маротабагача кам эканлиги аниқланган. Қиз болаларда репродуктив аъзоларнинг шаклланиши 12-14 ёшга, ёки 5-6 синфда ўқиш даврига тўғри келади. Бу даврда организмда турли хил функцияларнинг мувозанати бузилади, невроз, психовегетатив ҳолатлар ақлий қобилиятнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўқув-тарбиявий жараёнларни тўғри ташкил қилиш, жисмоний машғулотларнинг меъёрларини камайтириш талаб этилади.

Қиз болаларда репродуктив саломатликларни шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омиллар қаторида ички секреция безлари ва модда алмашуви жараёнларининг бузилиши, вегетатив асаб тизими ва аллергия касалликларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда оилада, тиббиёт ходимлари, педагоглар томонидан мақсадли чора-тадбирлар қўриб бориш заруратини уқтириб ўтиш жоиздир. Мутахассислар, айниқса нотинч, ичувчиликка берилган, гиёванд моддаларни истеъмол қилиш каби зарарли одатлари бўлган оилаларга кўпроқ эътибор қаратиши лозим.

Қизларда репродуктив саломатлигини таъминлаш боғлиқ тадбирларни қуйидаги бешта тамойил асосида амалга ошириш керак: ўқув тарбиявий юктамалар саломатлиги даражасига мос бўлиши; балоғатга етиши, жинсий етилиши даврида, яъни 5-7-синфларда ўқув юктамалари белгиланган ва илмий асосланган талаблар чегарасидан чиқмаслиги лозим; жисмоний тарбия машғулотлари қизларнинг келажакда она бўлиши билан боғлиқ вазифаларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим (бундай машғулотлар 7-9 ёшда ва 14 ёшдан сўнг фаоллаштириб борилиши мумкин); мактабда ва оилада тарбия-жинсий тарбия элементлари билан бирга олиб борилиши зарур; касбга йўналтириш, меҳнат тарбияси, касбий қизиқиши руҳий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ва индивидуал хусусиятлардан келиб чиқиб олиб борилиши керак.

Ёшларнинг репродуктив саломатлик ҳақидаги ахборотлардан кенг воқиф бўлиши бўлажак оилавий ҳаётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Фурсатдан фойдаланиб, мутахассис сифатида шуни эслатиб ўтмоқчиманки, фақат соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келади.

Светлана РАСУЛОВА, 2-туғруқ мажмуаси шифокор-гинекологи

2010 йил — Баркамол авлод йили

Учтепа туманидаги «Истиқлол умидлари» боғча-мактаб мажмуасида болажонларга замон талабларига жавоб берадиган барча шарт-шароитлар яратиб берилган.



ТАРБИЯ МАСКАНИ

— Мажмуамизда тўрт юзга яқин болажонлар ва тўртинчи синфгача бўлган мактаб ўқувчилари таълим-тарбия оломда, — дейди мазкур муассасага ўн бир йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган Лола Махмудова. — Олтита гуруҳда боғча болалари ва саккизта синфда мактаб ўқувчиларига малакали ва тажрибали мутахассислар сабоқ бериб келмоқда. Болаларнинг кўпчилиги олти ёшга қадам қўйганидан сўнг ҳам ўқишни шу ерда давом эттиришни истади. Ҳар ҳолда ўз уйларида бўлиб қолган қадрдон масканларига талпинишлари бизни ҳам қувонтиради, албатта. Ўқувчилар учун рус ва инглиз тили тўғрисидаги мунтазам равишда ишлаб турибди. Футбол, карате, рақс, шахмат-шашка, расм чизиш тўғрисида болажонларнинг доимий фаол ҳаракатини қузатиш мумкин. Кўпчилигининг айниқса расм чизишга, спорт тўғра-

рақларига иштиёқлари баланд. Тил ўрганишга ҳам қизиқишади. Давлатимиз томонидан шундай имкониятлар эшиги очилган экан, масканимизда униб-ўсайётган болаларимиздан ҳам бизнинг умидимиз катта. Ёшларимиз орасида иқтидорлилари жуда кўп. Умид қиламизки, келажақда улар орасидан етук инсонлар етишиб чиқади.

Дарҳақиқат, 1979 йилда ташкил этилган ушбу боғча-мактаб мажмуасида болажонларнинг истиқболли келажаги учун ҳамма нарса бисёр. Болаларни мактабга тайёрлаб беришда малакали тарбиячиларнинг хизматлари катта. Ўқитувчилар пухта билим бериш, онг ва тафаккурини шакллантириш, Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш борасида бурчига садоқат билан ёндашиб, келажақ авлод тарбиясига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ушбу масканда турли мавзуларда ўтказиладиган

тадбирлар, байрам тантаналари, танловлар, мусобақаларнинг барчаси эсдалик учун лавҳаларга олиниб, боғча-мактаб мажмуасининг махсус альбомига киритиб қўйилади. Яқиндагина бўлиб ўтган «Спорт менинг ҳаётим» мавзусидаги тадбирда ўзбек спортининг фахрийси Руфат Рисқиевнинг ташрифи болажонлар қувончига қувонч қўшди.

«Болалигим — пошшолгим», «Соғ танда — соғлом ақл», «Муқаддас Ватаним», «Бегубор кунларим дебocasида», «Китоб менинг дўстимдир» шиорлари остида ўтказиладиган тадбирлар ҳам ёшларнинг етук инсонлар бўлиб ўсишида, билим-ли ва иродали бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда камол топаётган ҳар бир ёшнинг бахтли келажаги учун кўплаб имкониятлар яратилган. Улардан унумли фойдаланишда ёш авлодга таълим-тарбия бераётган устоз-ўқитувчиларнинг хизматлари бекиёсдир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: БОҒЧА-МАКТАБ
МАЖМУАСИ ҲАЁТИДАН
ЛАВҲА**

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Миллий университети талабалар касабаси уюшма кўмитаси томонидан уюштирилган «Олтин давр ниҳоллари — 2010» маросими талаба-ёшлар ўртасида ўзига хос соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида муҳим ўрин тутди. Тадбирда турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланиб, улар муносиб тақдирланди.

Бадий ижод йўналишида 2009 йил якунлари бўйича энг яхши натижаларни журналистика факультетининг учинчи босқич талабаси Отабек Раҳимов қўлга киритди. Университет жамоат ишларида энг самарали фаолият олиб борган талаба-қиз номинацияси бўйича ҳам шу факультет талабаси Сабоҳат Дусчанова голиб бўлди.

Механика-математика факультети талабаси Бобомурод Холиқовнинг республика миқёсида самбо бўйича иккинчи, дзюдо бўйича учинчи, Қозғистонда ўтказилган Евроосиё чемпионатида ҳам фахрли ўринни эгаллагани қалбимизни фахр ва гурурга тўлдирди. Шуларни инобатга олган ҳолда Бобомурод спорт соҳасида энг юқори натижаларни қўлга киритган деб топилди.

Ҳа, бундай ёшлар ўз ютуқлари билан барчани лол қолдиришди. Уларнинг сўзларида диққат қилинган:

— Бугунги эътибор эртанги ниятларимиз рўйида ўзига хос дебача вазифини ўтайди, — дейди Сабоҳат Дусчанова. — Талабалар «олтин давр» дея нисбат берилиши ҳам бежиз эмас. Назаримда, ҳар бир эришаётган ютуғимиз сарҳисобида унинг қиймати белгиланади. Ушбу қиймат ўз софлигини ҳар доим сақлаб

қолсин. Ана ўшанда баркамоллик ҳақида сўз очсак бўлади, шундагина ўз овозимизни тарихга муҳрлаган бўлаемиз. Бугуннинг ҳаракати — эртаннинг баракати. Демакки, бугуннинг юқини эртага ташламайлик. Бу борада муҳими ўзимизни, сўзимизни, фикру мулоҳазаларимизни ўқитиладиган чарчамайлик...

— Орзу-ниятларим талай. Мақсадларим ҳам. Фарқи шундаки, ниятим амалга ошган, унинг устидан битта чизик тортаман, — деб мулоҳаза юритади Отабек Раҳимов. — Мақсадларим устидан эса чизик тортмайман, тортолмайман ҳам. Чунки мақсад сингари туйғулар меҳрга ташна... Ютуқларим тахсил олаётган университет миқёсида эътиборга олинди. Биламанки, бу ҳали менинг яққа довимим. Бундай довим, бундай чўққилар ҳаммада ҳам бор. Ундан ошиб ўта олганларгина эътироф қилинади.

Танловлар кимнинг нимага қодирлигини кўрсатади. Бунда авваламбор маънавият, ҳурлик рақобатлашди ва шубҳасиз, кучлилар голиб бўлади. Фолиларнинг овози, албатта, узокқа боради.

**Акмал ЖУМАМУРДОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети журналисти-
ка факультети талабаси**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ИЛМ ҲАҚИДА

Илм андак бўлса ҳам хор айлама,
Неъмат андак бўлса гар хор айлама.

Илмлиғ бўл, қилки нафсинг
бирла жанг,
Ургасен андин бу ишқа кўбла чанг.

Илм агар кўбдур кўнгилни
боғидур,
Ҳирс агар кўбдур кўнгилни
доғидур.

Илмсиз қилган ибодат ҳечдур,
Кемасиз дарёга кирган ҳечдур.

Тўйма қандоғ жисмга
қувват берур,
Илм андоғ руҳга қувват берур.

Маъний илм англасан аъмолдур,
Ул амаллар ичра хос аҳволдур.

ХУШ ФАЗИЛАТЛАР ҲАҚИДА

Урмағил фарёд этиб ҳар
кимга дам.
Доғ етгай дардга, гам устига гам.

Ҳар кишини ростлиғдур пешаси,
Бўлғай ул озад, йўқ андешаси.

Кўзлагайсен ҳар кишига манфаат,
То муродинга етарсен оқибат.

Гар кишининг қадрини билса киши,
Дуст тутқай ул кишини ҳар киши.

Сен кўнгилни ғиллу
ғашдин пок қил,
Кўрқубон сийнангни
Ҳақдин чок қил.

Неча ишни ёд олғил, эй ўғул,
Айтгайин, қилғил ани
бўлмай малул.

Яхши хўй қилғилки,
ҳарким бўлсалар.
Сиррини фош этма ҳарким
бўлсалар.

Кўрмағил зинҳор ҳар кимни ҳақир,
Хоб эмасдур оғритиб
берган ҳарир.

Ноқасу бад асллар аблаҳ бўлур,
Ким буларга қотилур
гумроҳ бўлур.

Ҳар кишига аввало қилғил салом,
Оқибат дўзах санга бўлғай ҳаром.

Ким ҳасад қилса кишининг ҳолидин,
Беҳабар умр ўтқарур аҳволидин.

Ҳар киши уч ишни одат қилғуси,
Икки оламда саодат қилғуси.

Аввало эл айбини ёпмоқ керак,
Ўзининг айбига кўз очмоқ керак.

Халқга заъфингни изҳор айлама,
Етса гар шоди-ю гам ҳаргиз дема.

Эй куёшим, камронлиғ истагил,
Бенаволар кўнглини оғритмагил.
(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва
Мавжуда РАЗЗОҚОВА
тайёрлаган

Футбол

САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

КЕЧА

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «Ал-Ваҳда» ҳамда «Бунёдкор» жамоалари ўртасидаги гуруҳ баҳси бўлиб ўтди.

лар уюштирилди. Бироқ, майдон марказида тўпни назорат қилишда ва чиройли комбинациялар уюштиришда ҳамшаҳарларимиз устунлик қилишди. Бинобарин, 37-дақиқада «Бунёдкор» жамоаси томонидан амалга оширилган ҳужум самарали яқунланди. Карпенко рақиб жарима майдонига ши-

тоб билан кириб бораётган ҳужумчи Денилсонга тўпни аниқ етказиб берди. Бразилиялик легионер эса хотиржамлик билан ҳаракат қилди ва рақиб дарвозасига гол киритди. Иккинчи бўлим ҳам анча қизиқарли кечди. Мезбонлар томонидан уюштирилган ҳужумларни химоячиларимиз ва дар-

возавон Нестеров маҳорат билан қайтариб туришди. 85-дақиқада яна Денилсон ўзини кўрсатди, жамбадоши Ҳасанов узатган тўпни мезбонлар дарвозасига аниқ жойлаб қўйди. Гўё учрашув 2:0 ҳисобида тошкентликлар ғалабаси билан яқунланадигандек эди. Меҳмонларнинг хотиржамликка биров берилганлиги кимматга тушди. Хатирий Нестеров дарвозасига 90-дақиқада гол киритиб орадаги фарқни қисқартирди ва беллашув 1:2 ҳисобида Сколари шогирдларининг ғалабаси билан яқунланди.

БУГУН

«Пахтакор» марказий стадионида Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «Пахтакор» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Шабоб» жамоалари ўртасидаги гуруҳ учрашуви бўлиб ўтди. (Ўз мухбиримиз)

Қатрлар ШИРИН СЎЗ

— Ассалому алайкум!
Ишга шошилиб кетаётган йигит қўли кўксиди, мўйсафидга салом беради. Ота алик оларкан, дил қўлфи очилганидан мамнун дуо қилади. «Отанга раҳмат, бахтингни берсин». Йўл-йўлакай яна қанча саломлик, яхши тилак, дуолар...
Ота новчароқ бошқа бир ёшга рўбарў бўлганда, «Ё тавба» лаб хайрон: йигитнинг икки қўли чўнтагида. Хода ютгандек типпа-тик кибр билан ўтиб боради. Ён-верига қайрилиб қарамайди, гўё дунё фақат унинг ўзиники. Ё тавба, бир оғиз ширин сўзнинг нимаси малол келаркин унга?! «Саломингни еб қўйдингми, эй одобсиз», дея олдини тўссинми? Йўқ, бундан нима наф? Унинг лоқайд ва мудроқ қалбини забт этиб, сўраб олин-

ган салом самимий қалб саломидек ёқимли бўлармиди?

АЧИНИШ

Кекса устанинг соғломлиги, полвонлигига кўпларнинг ҳаваси келади. Билганлар: «Бу одам ёшлигидан чиниққан», дейишади. Эсини танибдики, тупроқ, лой, сув, кўбш тигида паҳса уриб, девордан пахта тушмайди. Унинг шу муҳитда табиатга мосланиб чиниққанини кўрмаган одамгина полвонлик сирини дарров билиши қийин.

Уста қизиган тупроқдан юриб келди-да, белкаши тайёрлаётган лойни товоқлаб пишта бошлади. Бу ҳолни кузатиб турган нозик, сояпарвар одам:

— Оёғингиз дардга чалиниб қолмайдими? — деди унга ачингансимон.

— Тупроқ, лой — менинг жоним. Ялангоёқ юрсам, ер-

дан қувват оламан, ўзимни бақувват сезаман, соғлиқ керак бўлса, сиз ҳам тупроқдан баҳра олинг. Ер фарзандимиз, ахир. Менга эмас, ўзингизга ачининг, — деди у.

ҚАҲРИНГ БОР-ДА...

— Сени ҳамирдек оширяпман, тўғрими? — деди кўбш тафтидан эриётган қор ерга.

— Тўғри. Шу боис сен дехқоннинг пок дилидаги оппоқ орзуси — қут, баракасан. Қумуш фаслнинг зийнатисан.

— Унда нечун баъзилар мени хуш кўрмайди? — сўрайди қор.

— Нима десамийкин? — ийманиб эмар экан қор сувини ер. — Бемаврид ёғиб, этни чимчидиган қаҳринг — совуғинг ҳам бор-да.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига танлов ўтказилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- а) комиссия номига ариза;
- б) паспорт нусхаси;
- в) шахсий варақа (сўровнома);
- г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- е) қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
- ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазибаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг фаолият кўрсатаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазибалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
- з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4721 нусхада босилди.
Қозғ бивими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида теришти ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5